ҚОДИР БАХШИНИНГ БАДИИЙ ТИЛДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

С.Жумаева

Мақолада Қодир бахшининг тилдан фойдаланиш маҳорати ҳақида сўз юритилади. Қодир бахши ўз ижоди давомида халқ иборалари, мақоллари ва жонли сўзлашув тилидан унумли фойдаланган. Зеро, Қодир бахши асарларининг тили халқ оммасига тушунарли, содда, пишиқ ва равон усулда баён этилган.

Калит сўзлар: *она тили, халқ жонли тили, образ, персонажлар тили, муаллиф нутқи, халқ иборалари, фразеологик бирикмалар, ҳикматли сўзлар, фольклор, фольклоршунослик, бахши, терма, достон.*

В статье речь идет о мастерстве Кадыра бахши в использовании языка. Кадыр бахши в своем творчестве плодотворно пользуется народными изречениями, пословицами и живой разговорной речью. Поэтому язык его произведений понятен и доступен народу.

Ключевые слова*: родной язык, живая народная речь, образ, язык персонажей, авторская речь, народные изречения, фразеологические единицы, афоризмы, фольклор, фольклористика, бахши, терма, дастан.*

The present article is devoted to the study of Kadir bakhshis' skill in using the language. Kadir bakhshi make feitful use of phraseological units, sayings and proverbs in his creative activities. That is why the language used by Kadir bakhshi is easy to understand and simple.

Key words: *native language, lively folk speech, image, language of characters, author's speech, folk sayings, phraseological units, aphorisms, folklore, folklore, bakhshi, terma, dastan.*

Она тилини билиш, уни эъзозлаш миллий жамият, умуминсоний қадрият ва миллий ўзлик идрокининг барқарорлиги, миллий онг ва тафаккур, миллий ғурур ва ифтихор каби маънавий камолотнинг ўзагини тайин этувчи муҳим тушунчалар учун пойдевор эканлиги табиий. Донишманд Шарқ ҳикматларида «Кишининг зебу зийнати, гўзаллиги унинг тилидадир» дейилади. Шу боисдан ҳам ўтмиш замонлардан бери ҳар бир миллат, ҳар бир қавм ўз она тилига буюк ҳурмат билан қарайди. Чунки она тили миллат деган бирликнинг тамал тоши, у бой берилса, миллат ҳам бой берилади.

Гўзал ва нафис нутқ сезгиси ҳамда унга азалий ихлосу эътиқод анъанасининг ибтидоси халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Зеро, қадим-қадим даврлардан бери халқ бахшилари ўз ижод маҳсуллари саналган терма ва достонларини она тилимизнинг гўзал сифатлари ила инсон шуурига муҳрламоқни энг олий фарз деб билганлар. Бу таъсирчан воситадан унумли ва ўринли фойдаланмоқ учун халқона оҳангга мос халқона тил тарбияси ва тил ривожига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини англаганлар. Шунга кўра, фольклоршуносликда бахшиларнинг халқ ҳаётига яқин туриши, халқ руҳини, интилишини, унинг бой маънавиятини ёрқин тасвирлаш зарурлиги ҳақидаги ижодий қарашлар ноёб хазинамиз ҳисобланган халқ жонли тилини меҳр ва қунт билан муттасил тўплаш, ўрганиш деган фикрни ҳам ўз ичига олади. Зеро, ҳақиқий санъаткор халқ жонли тили манбаларига тўла маънода ижодий муносабатда бўлгандагина, уларга қайта ишлов бериб, сайқаллаб, асар моҳиятига кўра фойдалана билгандагина бадиий-адабий тилимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган бўлади. А.Қаҳҳор таъбири билан айтганда, «Халқ тили – олмос тил, ҳамиша тўлақонли ҳаракат, максимал ҳаракат, аниқ ҳаракатни билдиради. Санъат тахминийликни, чала-чулпа гапни рад этади. Бу айниқса, бизнинг бадиий адабиётимизга тааллуқлидир.

Бу тилни қандай эшитиш мумкин?

Уни кўра билиш керак. Ёзувчи ўзи тасвирлаётган барча нарсаларни қалб кўзи билан кўриб туриб асар ёзиши зарурлиги – қонундир» [1.154].

Халқ донолигининг ҳайратомуз ижод сарчашмасидан қониб баҳра олган, унинг гўзал ва бетакрор намуналарида маънавий бойлигимизнинг юксак қирраларини кўра билган Қодир бахши Раҳимов ўзи яратган барча асарларида халқ жонли тилидан фойдаланишнинг мумтоз намунасини кўрсата олган ижодкорлар сирасига киради.

Маълумки, адабий тил халқ жонли сўзлашув тилидан маълум даражада пишиқлиги, адабий жиҳатдан қайта ишланганлиги билан фарқ қилади. «Халқ бахшилари эса тилга алоҳида эътибор бериб, гўзал ташбеҳлар, муболағалардан унумли фойдаланган ҳолда достон тилини образли ва ифодали бўлишига эришганлар» [2.71]. Қодир бахши асарларининг адабий тилимиз тараққиётига кўрсатган таъсири ҳамда аҳамияти ана шу жиҳатлар билан белгиланади. Зеро, Қодир бахши халқнинг жонли сўзлашув тили заминида мустаҳкам туриб, уни ўз асарларида самарали қўллаб, халқ шеваларини тилимизнинг бой ва туганмас манбаи сифатида ижодий ўзлаштирди. Тер тўкиб, маҳорат билан ижодий қайта ишлаш жараёнида бадиий қийматга эга бўлган адабий тилга айлантирди. Шу боисдан ҳам бахши репертуарига хос терма ва достонлар тили ниҳоятда равон, жумла тузилиши содда, мантиқан тушунарлидир. Хусусан, «Келиной ёки Норгулой» достонида Қодир бахши асар тилини ишлашда жумлаларнинг ниҳоятда содда ва тушунарли бўлишига алоҳида аҳамият берган. Ундаги ранг-баранг синонимлар, антонимлар, афоризмлар ва турли-туман бадиий тасвир воситалари, фразеологик бирикмалар ва ҳикматли сўзлар муаллиф нутқини ҳам, персонажлар нутқини ҳам безаб туради.

Таъкидлаш жоизки, «Келиной» достонида муаллиф нутқи эпик воқеликни баён қилувчи, персонажларга таъриф берувчи, уларни бир сюжет йўналишига бирлаштирувчи, қисқаси, асардаги воқеалар оқимини бошқарувчи тил саналади. Энг аввало, асарда баён қилинаётган эпик воқеликнинг ўзи бахши тилининг ранг-баранг кўринишларини бунёдга келтиради.

Масалан, Қодир бахши асар қаҳрамонларидан бири Сўлтоққа таъриф бера туриб воқелик баёнини қизиқ бир эпизод билан улайди: «...Остидаги отни ҳайдаб бораётиб бир чўпонга дуч келди. Чўпон қўйга қарамай, куйга мос* бўлиб турганида, Сўлтоқ чўпонни чақирди. Чўпон гапирмай жим тур, деб имлайверди. Шунда Сўлтоқ чўпоннинг қошига келиб: «Чанқовузни ким чалди?» – деб икки оғиз қичқириб турибди:

Бугун кунда гулдай бўлган тарзим бор,
Бўйнимда охири ўлар қарзим бор,
Отинг нима, сенга айтар сўзим бор,
Билсанг айтгин, чанқовузни ким чалди?!
Осмонимда юлдузим йўқ, ойим йўқ,
Ҳеч бир ерда турадиган жойим йўқ,
Куйга мастман кетишга ҳеч раъйим йўқ,
Меҳрибон бўл, чанқовузни ким чалди?!

[3.7.]

Достонда муаллиф тилининг маълум бир тартибда ахборот бериш, баён қилиш усули билан

бирга муболағали тасвир усули ҳам жуда кенг қўлланилган. Қуйидаги сатрларга эътибор қаратамиз:

Кўринг энди Омонди,
Қўрқитади туманди.
Зарби ерга ағдарар,
Оқтовдаги қабонди.

Бурнининг тешигидан,
Икки тулки ўткудай.
Оғзини очса агар,
Қўйга камар бўлгудай.

Муритин қирқиб олса,
Томга ёпган хоридай.
Силкиб отдан ағдарди,
Сўлтоқ бўлиб бўридай...»

[3.6.]

Муаллиф тилида бундай усулнинг қўлланишида, биринчидан, муболағa санъатининг ўзига хос жозибаси сабаб бўлган бўлса, иккинчидан, асарнинг ғоявий-бадиий таъсирини ошириш мақсади муҳим омил бўлган.

Қодир бахши достонда тавсифли тасвир усулини ҳам кенг қўллаган. Бундай ўринларда бахши сифатлаш санъатидан фойдаланиб, бир қатор персонажларга ўрни билан таъриф келтиради. Жумладан, «Норгулой ... фалакнинг чўлпон юлдузи, ойни уялтирган юзи, Шукуралибойнинг кўзи, кўзи эмас юракдузи... ўн еттидан ошган, ўн саккизга етишган, икки муҳаббатгиёси янги-янги кўкракдан ўсган, бошига зардўзи қалпоқ кийган, қалпоқнинг айланасига тилладан қўнғироқ тиккан, юзига одам қараб туролмас, қараганда ҳам қуёшми, Норгулми билиб бўлмас» [3.6.] ёки «Сўлтоқ ҳам йигирма беш ёшдан ошган, билаклари тўлишган, қадди-қомати келишган, нор билакли, шер юракли, бургут қабоқли эди» [3.18.] ёхуд «... Чўпонларнинг ичида Доно чўпон деган бор эди. Ёши олтмишдан ошган, соқолига оқ тушган. Дунёнинг аччиқ-чучугини бошдан кечирган, қоматини тик тутган, қандай мусофир бўлса қўшхонасига меҳмон қилган, чўпон бўлганига қирқ йилдан ошган, қомати жопсардай туташган киши эди...»[3.31.] каби баёнларда халқ достонлари насрига хос тасвирнинг хилма-хил товланиши кўзга ташланади.

«Келиной» достонида муаллиф тилининг ранг-баранг кўринишларини намойиш қиладиган фазилатлардан яна бири изоҳли тасвирдир. Таҳлил жараёнида этнографияга оид маълумотлар баёни берилган ўринларда Қодир бахшининг сўз қўллаш маҳорати янада ёрқинроқ намоён бўлганлигини кўриш мумкин:

Қўй ҳайдадим Қўқонга,
От бойладим дўконга.
Пачкамар эли қурисин,
Қиз бермайди чўпонга...»

[3.21.]

«Шерободларда шоли бор,
Ҳар бирининг поли бор.
Норгулойни кўрсангиз,
Ўнг бетида холи бор...»

[3.22.]

«Пачкамарнинг камари,
Тўрига урар шамоли.
Ойтувгандай ярқиллар,
Норгулойнинг жамоли...»

[3.26]

«Қаршилар билан Ғузора,
Боргунча олти гузара...»

[3.50.]

Шунингдек, достон якунида келтирилган халқ удумлари ва тўй-маросимлари билан боғлиқ эпизодларда муаллиф тилини изоҳли тасвир жилолари безайди: «… Ана энди келин саломи бошланди. Ҳамма одамлар йиғилиб оқ ўтов олдига кела бошлади, оқ ўтовнинг олдида кўган ташлади, устидан қўй терисини ёпиб қўйди, унинг ҳам устига бахмал тўшаб, устига Норгулойни олиб келди.

Шунда шу овулдаги Худойберди бойнинг кампири Ойдин мома олдинга чиқиб: «Болам Норгулжон, оёғингга кўган қўйдим, кўзинг кўганга сиғмасин: бахмал тўшатдим, уйинг меҳмондан аримасин, белингга қўлдов боғлатдим, болаларинг сероб бўлсин, бўсағангга бутун нон қўйдим, ризқ-насибанг мўл бўлсин, ўнг кистангга ойна солдим, кўнглинг ойнадай равшан бўлсин, қўшганинг билан қўша қари, энди одамларга салом бер, мен айтабераман, сен эгилиб салом бераберасан», - деб бошлади:

Анов товнинг андизи
Бўй чўзади кундузи.
Отса чопиб кетолмас
Кийикларнинг юлдузи.

Қайнотаси ҳам ўзи,
Қайнонаси ҳам ўзи,
Халилбойга бир салом.

Халилбой кулиб келин олдига бир тилла сирға ташлади» [3.96-97].

Бундай ўринларда Қодир бахши тилидаги ихчамлик, тежамкорлик, ҳажм сиқиқлиги ва мазмун аниқлиги кўзга ташланиб туради. Халқ тили ва дилига яқин бўлган ижодкоргина бу каби образли ифодалардан унумли ва ўринли фойдалана олади.

Маълумки, мақол ва матал халқ донолигининг, тафаккурининг энг қисқа ифодаси саналади. Таркибидаги ортиқча сўз ва қўшимчалар олиб ташланган, маълум бир оҳангдош шаклга келтирилган гап ва ундаги чуқур мазмун жумлага мақол мақомини беради. Халқ тили мақол ва маталларга бой. Унда образли ифодалар кўп. Қодир бахши ижодида халқ иборалари ва ифодаларининг, мақол ва ҳикматларининг ўзига хос, бетакрор ва гўзал намуналарини учратиш мумкин. Халқ адабий тилига ўзлашиб улгурмаган мақол ва ҳикматли сўзлар Қодир бахши ижодида бахшиёна сатрларда қўлланган. Масалан, «Адашганни олди йўл», «Қуриган дарахтга сув қуйган билан кўкармайди», «Майдонда билинар йигит полвони», «Бадавлатнинг молини бедавлат еёлмайди», «Ётиб қолма, отиб қол», «Орингга ор оласан», «Душман ҳар дамда душман», «Ўзингдан зўр чиққанда, оёғинг тибир-тибир», «От – одамнинг йўлдоши», «Ёнган юрак сув сепганман ўчмайди», «Йигитга орқадир гар бўлса оға» каби мақол ёки унга мазмун ва шакл жиҳатидан тенг келадиган мақолнамо ибораларни Қодир бахши барча достонларида ижодий қўллаган. Бу билан халқ бахшиси қодирона иборалар тузган ва тузган сари ўзининг сўз танлаш имкониятлари юксаклигини исботлаган.

Хулоса қилиб айтганда, Қодир бахши ижоди мисолида она тилидай сеҳрли дунёнинг чексиз-чегарасиз ифода имкониятларини тасаввур этиш ва бадиий нутқда улардан мақсадга энг мувофиқларини саралаб, фойдалана билиш маҳоратини кўрсатиш ниҳоятда муҳим масаладир. Зеро, халқ эъзози ва ардоғида бўлган Қодир бахшининг лисоний ва нутқий ўзига хослиги ҳақида қанча фикр юритсак, далиллар билан исботласак, унинг бадиий тилдан фойдаланиш маҳорати борасидаги тушунчаларимиз тобора кенгая боради.

Адабиётлар:

1. Абдулла Қаҳҳор. Ҳақ сўзнинг кучи. // Асарлар. 5 жилдли. 5-жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1989.
2. Қаҳҳоров А. Янги достонлар. – Тошкент: Фан. 1985.
3. Қодир бахши Раҳимов. Келиной ёки Норгулой. – Қарши: Қарши Давлат университети, 2011.

Қарши давлат университети,
2018 йил 9 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Т.Раҳмонов)